


## **VI. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида 2020 йилнинг январь-июнь ойларида 3991 та кичик бизнес субъектлари (дехқон ва фермер хўжаликларисиз) ташкил этилиб (2019 йилнинг шу даврига нисбатан 23,7 % камдир), уларнинг сони 41831 тага етди.

2020 йил 1 июль ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 36030 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўткан йилнинг шу даврига қараганда 23,0 % га ошган. Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми, яъни 4294 таси (11,9 %) Зангиота, 3354 таси (9,3 %) Қибрай, 2673 таси (7,4 %) Тошкент, 2122 таси (5,9 %) Ўртачирчиқ, 2013 таси (5,6 %) Янгийўл туманлари ҳамда 1978 таси (5,5 %) Чирчиқ шахри ҳиссаларига тўғри келади.




## Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да




2020 йил 1 июль ҳолатига вилоятимизда янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 3991 тани ташкил қилган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қараганда 1238 тага ёки 23,7 % га камайган.

### **Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларининг йиллар кесимида сони, бирликда**



**Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларининг  
йиллар кесимида ўсиш динамикаси, 1 июль ҳолатига %да**



**Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши  
2020 йил январь-июнъ ҳолатига (жамига нисбатан %да)**



Энг қўп кичик бизнес субъектлари савдо соҳасида (жами ташкил этилган субъектларнинг 36,4 %), саноат (18,5 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (17,9 %) ва қурилишда (7,9 %) ташкил этилган.

2020 йилнинг январь-июн ойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан:

2020 йил январь-июнда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 48,7 % (2019 йил январь-июнда 49,4 %) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 5502,8 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 19,2 %) ёки 2019 йилнинг январь-июн ойларига нисбатан ўсиш суръати 111,9 % ташкил қилди;

- 10 118,5 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (қўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 102,1 % (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 94,7 %) ташкил қилди;

- 2480,5 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестиациялар ҳажмининг 32,4 %) ўзлаштирилди ва 2019 йилнинг январь-июн ойларига нисбатан 120,0 % ташкил қилди;

- 1808,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 61,1 %) бажарилди ва 2019 йилнинг январь-июн ойларига нисбатан 96,2 % кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 106,7 % (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 59,0 %), йўловчи айланмасининг эса 92,9 % (умумий йўловчи айланмасининг 96,9 %) кўпайиши таъминланди;


-чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 83,2 % ёки 8159,1 млрд. сўм (ўсиш 96,0 %) ва хизматлар умумий ҳажмининг мос равища 69,2 % ёки 5163,5 млрд. сўми (ўсиш 98,3 %) шакллантирилди;

- 185,3 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 25,7 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 521,1 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 39,2 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**2020 йилнинг январь-июнь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидағи хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши**

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	10 118,5	94,7
Саноат	1102,0	20,0
Курилиш	1808,8	61,1
Чакана савдо	8159,1	83,2
Юқ ташиш, млнт	18,3	18,2
Йўловчи ташиш, млн.киши	45,0	15,0
Экспорт, млн. АҚШ долл.	185,3	x
Импорт, млн. АҚШ долл.	521,1	x

**Ялпи худудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)**



	ЯХМ	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Савдо	Курилиш	Инвестиция	Хизматлар
■ 2019 йил январь-июнь	49,4	19,3	95,0	90,9	64,0	22,4	70,7
□ 2020 йил январь-июнь	48,7	19,2	94,7	83,2	61,1	32,4	69,2